O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

# ИСТИҚЛОЛ БОҒИДАН БАҲРАМАНД ЭЛИМ




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 31 август жума

Сотувда эркин нархда
№ 179-180 (2741-2742)


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистон катта йўлни босиб ўтди — жамият ҳаётининг кўпгина соҳалари янгиланди, иқтисодиётни ислоҳ қилишда кўп ютуқларга эришилди, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва мавқеи мустаҳкамланди.

Россия-Ўзбекистон дўстона муносабатларидаги жўшқинлик мамнуният бахш этади. Бу муносабатлар ҳақиқий шерикчилик, бир-бирининг манфаатини ҳурмат қилиш, тенглик ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг мустаҳкам негизида ривожланиб бормоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги қалин ҳамкорлик бундан буён ҳам Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқаро терроризм ва диний экстремизм кучларига қарши ҳаракат қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва самарали фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар, кўп миллатли қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Эҳтиром ила,

**В.ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллик байрами билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистон Республикаси халқига бундан буён ҳам равнақ, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**ЕЛИЗАВЕТА ИККИНЧИ,**
**Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига сидқидилдан эзгу қутловлар ҳамда мамлакатингиз халқига равнақ тилаб, самимий истаклар йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори.**

(Давоми 2-бетда).

## Дипломатия муносабатлари ўрнатилди

Сеулда Ўзбекистон Республикаси ва Парагвай Республикаси ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида Қўшма декларация имзоланди. Битимни Ўзбекистон ва Парагвайнинг Жанубий Кореядаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари имзоладилар.

Ҳужжатни имзолаш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси ва Парагвай Республикаси ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболлари билан боғлиқ кўпгина масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА.**

# МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ





Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида фойдаланишга топширилаётган иншоотларни кўриб кўз қувонади. Қуриб битказилган янгидан-янги коллежлар, лицейлар, кўприклар, йўллар, метронинг янги йўналишлари, саноат корхоналари, санъат кошоналари, тиббиёт муассасалари — барчаси халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ниҳоятда улкан эканидан далолат беради. Биз ўнлаб йиллар давомида қилинмаган ишларни истиқлол шарофати билан қисқа даврда амалга оширяпмиз. Бугунги Ўзбекистон жаҳон халқларига улкан бунёдкорлик, маданий-маърифий қадриятларга юксак эътибор бераётган давлат сифатида танилмоқда.

Юртимиз тўғрисида гап кетганда, дунёнинг етакчи экспертлари унинг энг улкан ютуғи сифатида ўтиш даврининг мураккабликларига қарамай, саноат ва қишлоқ хўжалигида изчил ислоҳотларни амалга ошириш баробарида, маданий-маърифий соҳага ҳам юксак эътибор қаратилаётганини эътироф этади. Бу эътирофнинг исботини мамлакатимиз ҳаётидаги ҳар бир жабҳада кўриш мумкин.

Ўзбек давлат академик драма театри халқимиз ифтихори бўлиб келган. Бу даргоҳда не-не буюк санъаткорлар ижод қилмаганлар, дейсиз. Не-не буюк асарлар саҳна юзини кўриб, халқимизга тақдим этилмаган бу ерда. Бироқ яқин-яқинларгача бутун бир миллат театр санъатининг рамзи бўлган ушбу театр биноси жуда кўримсиз, замонавий талабларга жавоб бера олмасди. Ўз қадрини билган, юксак қадимий маданиятга эга халққа бундай ҳолат ярашмас эди. Шунинг учун Президент Ислом Каримов отахон театр биносини бутунлай қайта қуриш ташаббусини илгари сурди ва кўп ўтмай маҳобати кишининг ақлини шоширадиган кошона бунёд этилди.

30 август куни ана шу янги санъат кошонасининг очилиш маросими бўлди.

Маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Мазкур театр нафақат миллий санъатимиз, балки дунёдаги кўплаб театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, театршунос ва мутахассисларни ҳам ҳайратда қолдирган. Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар халқимизнинг ва давлатимизнинг фахру ифтихорига айланган.

Ўзбек миллий халқ театрининг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Миллатимиз анъаналарига хос бўлган халқ сайллари, катта-катта томошалар қўғирчоқбозлар, масхарабозларнинг иштирокисиз ўтмаган. Бироқ Туркистон заминида ҳақиқий профессионал театр талабларига жавоб берадиган илк асар — "Падаркуш" йигирманчи аср бошларида саҳналаштирилган эди.

Академик театримиз ўзбек театр санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, юксак поғоналарга кўтарган, халқимизга буюк санъаткорларни етказиб берган муқаддас даргоҳдир.

Театрда жаҳон ва ўзбек драматургиясининг ўнлаб нодир намуналари саҳналаштирилди. Уларнинг аксарияти ҳали-ҳали санъат ихлосмандлари томонидан мароқ билан эсланади.

Истиқлолнинг ўн йиллиги арафасида академик театр қайтадан туғилди, десак янглишмаймиз. Бино деярли бутунлай янгидан қурилди. Иншоотнинг ташқи кўриниши жуда салобатли. Унинг олд қисмидаги ўнта устун ўзбек театр санъатининг забардаст вакиллари сингари виқор касб этади. Театрни қуришда миллий ва замонавий меъморликнинг энг яхши анъаналаридан фойдаланилган.

Давлатимиз раҳбари бундан бир неча ой муқаддам театр биносининг қурилиши билан танишув чоғида қимматли маслаҳатлар берган эди. Қурувчиларнинг иш жараёнида ушбу маслаҳатларга амал қилгани боис иншоот янада кўркамлашди. Театрга кираверишдаги кенг фойенинг тепаси гумбаз шаклини олган. Бундай гумбаз томоша залида ҳам бўлиб, ўзига хос ёритилиш хусусиятига эга.

(Давоми 2-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЯНГИ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам санъаткорлар!

Қадрли меҳмонлар!

Аввало, барчангизни бугунги унутилмас кун — азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ушбу ажойиб санъат саройи — Ўзбек давлат академик драма театримизнинг янги биноси очилиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳурматли биродарлар!

Бугун юртимиздаги энг улуғ ва энг азиз байрам арафасида мана шу бетакрор, муҳташам, замонавий театр кошонаси санъат мухлислари учун ўз эшикларини очаётгани ғоят қувончлидир.

Бундай гўзал саройнинг тақдимот маросимида иштирок этишнинг ўзи ҳар қандай одамни ҳам қувонтириб, унинг кўнглига хуш кайфият, ёруғлик бағишлайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз. Ўзингиз биласиз, Ўзбекистон раҳбари сифатида менинг кўп-кўп халқаро миқёсдаги катта анжуманларда, маҳобати билан кўзни қамаштирадиган саройларда, императорлар, қирол ва подшоҳларнинг қасрларида, бугунги замоннинг энг чиройли, бой ва ҳашаматли биноларида бўлишимга, у жойларда нутқ сўзлашимга, мулоқотларда иштирок этишимга тўғри келади.

Лекин мен мана шу дақиқаларда қалбимдан бир ҳаяжон кечираётганимни сизларга очиқ айтишим керак.

Бу ҳаяжоннинг сабаби шундаки, ўзбек маданиятининг кўзгуси бўлган мана шу академик театримиз саҳнасида Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Зайнаб Садриева, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Ғани Аъзамов сингари не-не буюк санъат намояндаларининг қутлуғ излари қолган, овозлари янграган, уларнинг ўлмас руҳи бугун ҳам шу даргоҳда кезиб юрибди.

Неча йиллар давомида ўзининг беқиёс санъати ва маҳорати, классик асарларнинг бетакрор ижроси билан бу театр нафақат миллий санъатимиз мухлисларини, балки дунёдаги манаман деган театрларнинг машҳур режиссёр ва актёрларини, уларнинг энг нозиктаъб театршунос ва мутахассисларини ҳам ҳайратда қолдиргани маълум.

Ўзбек театрининг номини бутун дунёга танитган бундай ижодкорлар ҳар қайси халқ ва давлатнинг фахру ифтихори бўлишга муносиб эканини бугун вақтнинг ўзи исботлаб бермоқда, десам, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Бу тарихий саҳнада Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби улуғ сиймолар Ватанга садоқат, эзгулик ва адолат, маърифат ва нафосат сингари олижаноб фазилатлардан, мухтасар қилиб айтганда, инсонийлик илмидан минглаб томошабинларга, бутун халқимизга сабоқ берганини миннатдорлик билан эслаймиз.

Ишқ-муҳаббат, ҳалоллик, дўстлик, одамийлик каби юксак туйғулар ифода этилган, замон ва инсон муаммолари ҳақида баҳс юритадиган, ҳали-ҳануз томошабинлар хотирасидан ўчмай келаётган ўнлаб саҳна асарлари ҳам мана шу театримиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, одамларнинг қалбига беқиёс таъсир ўтказиб, уларни мудом эзгулик ва олижаноблликка чорлаб келаётган академик театримиз маънавий ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айланиб қолган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун биз ўзлигимизни англаш йўлида ўтмишимизнинг ноёб ва илгари номаълум бўлган саҳифаларини очаётган ҳозирги шароитда театр санъатимиз тарихидаги баъзи нуқталарнинг асл моҳияти намоён бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қараганда, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори каби маърифатпарвар зиёлиларимиз ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек театр труппаси 1914 йил 27 феврал куни Тошкент шаҳрида, ҳозирги Биржа маркази ўрнида жойлашган "Колизей" биносида "Падаркуш" спектаклини намойиш этгани — бу Туркистон заминида профессионал театр талабларига жавоб берадиган биринчи миллий саҳна асари бўлганини айтиб ўтиш ўринли, деб биламан.

XX аср бошида, мустамлакачилик зулмига қарамай, халқимиз янги уфқларга — миллий уйғониш ва эркинлик сари интилиб яшаган бир даврда буюк аждодларимиз — жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан иш, бу ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб аташ мумкин.

Бугун, Ватанимиз, юртимиз XXI асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажаги сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз иймон-эътиқод туйғуси билан йўғрилиб, кучайиб бораётган бир пайтда, ўз тарихий илдизларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллий театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Азиз юртдошларим!

Шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги яхши билади — бу жойда илгари "Ватан" деган кинотеатр бўларди. Кейинчалик шу бино театр учун наридан-бери мослаштириб берилган эди.

(Давоми 2-бетда).

## «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз»




***Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида Давлат матбуот қўмитасининг "Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз" деб номланган янги китобини кўп минг нусхада чоп этди.***

Давлатимиз раҳбари асарлари мажмуининг 9-жилди ҳисобланган ушбу китобдан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларидаги маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида, Халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг сессияларида, шунингдек, турли халқаро учрашувлар ва анжуманларда сўзлаган нутқлари ўрин олган. Шу билан бирга, китобхонлар Юртбошимизнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан суҳбатлари ҳамда табрик хатлари билан танишадилар. Бу асарларда Ватанимиз равнақи, унинг озод ва обод бўлишини таъминлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан дадил олға интилаётган халқимиз ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос тамойиллари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришнинг долзарб масалалари теран таҳлил этилган.

"Жамият ҳаётини ҳар томонлама эркинлаштириш борасидаги стратегик вазифалар Ўзбекистонда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил сиёсат ифодасидир,— деб таъкид-

(Давоми 2-бетда).

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

30 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Паркент тумани ҳокими М.Куччиев, Андижон шаҳри ҳокими А.Собиров, Самарқанд тумани ҳокими Р.Ҳакимова, "Ўзнефтгазқурилиш" акционерлик компанияси бош директори Б.Ҳафизов иштирок этди. Парламент қонун лойиҳасини ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

"Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида парламентнинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский, "Комплекс тематик экспедиция" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, "Фарғонанефткимёмонтаж" тресті бошлиғи Р.Жалилов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

(Давоми 2-бетда).

# МИЛЛИЙ ТЕАТРИМИЗ — ИФТИХОРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ ЯНГИ БИНОСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳар гал Навоий кўчасидан ўтганимда ушбу театрни кўриб, бу даргоҳда нене буюк санъаткорлар, уларнинг истеъдодли давомчилари ижод қилса-ю, у ана шундай юксак бадиий салоҳиятга муносиб бинога эга бўлмаса, деган савол кўпчилик қатори менинг ҳам кўнглимдан кечар эди.

Чунки саҳна санъатининг одамларга нафақат завқ-шавқ бахш этиши, айни вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши — бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Театрнинг маданий ҳаётимиздаги улкан вазифаси тўғрисида, унинг ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмаслиги ҳақида, умуман, театрни улуғлаш, унинг таъсир кучи ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин бу борада битта муҳим масала борки, у ҳам бўлса, театр ўзининг шу вазифасини адо этиши учун, инсоннинг қалбига, онгу тафаккурига таъсир ўтказиб, уни эзгу фазилатлар сари чорлаши учун театр ва унинг жамоасига, санъат фидойиларига керакли шарт-шароит яратиб бериш зарурлигини гоҳо унутиб қўямиз.

Умуман, бу муаммолардан узоқ бўлиш, бу масалада масъулиятни бўйинга олмасликка уриниш ҳолатлари ҳар қадамда учраб туради.

Таъбир жоиз бўлса, шуни таъкидлаш зарурки, ҳаммамиз театр томошаларини яхши кўрамиз, аммо бундай таъсирчан саҳна асарлари нечоғли машаққатли ва оғир меҳнат эвазига дунёга келиши ҳақида ўйлаб кўрмаймиз.

Кўпчилик эслаcа керак, шўро даврида бир номақбул одат бор эди. Бирон завод ёки фабрика барпо этилса, ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, унинг атрофида барча каттаю кичик мутасаддилар парвона бўлиб юрар, ҳар ким ўзини кўрсатиб қолишга уринар эди.

Лекин маданият ва маънавият ўчоқларини, санъат масканларини қуриш ҳеч кимнинг хаёлига келмас, бунга худдики даромад бермайдиган бефойда бир иш, иккинчи даражали масала, деб қаралар эди.

Бирон-бир маданият биноси қурилишини амалга ошириш учун эса бир қанча давлат идораларидан ўтишга, агар унга сарфланадиган маблағ маълум бир миқдордан ошадиган бўлса, Москвадаги қанча-қанча кабинетларда овора бўлишга тўғри келарди.

Театр, санъат уйлари каби масканлар халққа маънавий озиқ бериши, маданий савиясини ошириши, унинг юрагига малҳам бўлиши — бу масалалар уларни қизиқтирмасди. Чунки халқнинг маданияти, онгу тафаккури қанчалик паст бўлса, уни бўйсундириш, бамисоли бўйнига калта арқон боғлаб етаклаш шунча осон бўлишини эски мафкура доҳийлари яхши биларди.

Бу — кечаги ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

Минг афсуски, бундай эски тузум асоратлари бугунги кунда ҳам тажрибамизда учраб туради.

Агар биз театр ҳаётининг ичига кириб, ўзимизни лоақал бирор марта театр раҳбарлари ўрнига қўйиб кўрсак, бу ижодий жамоанинг катта-кичик турли муаммоларини ечиш нечоғли қийин эканини тасаввур этган бўлар эдик.

Модомики, шундай экан, барчамиз бир ҳақиқатни тўғри англаб олишимиз керак.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, ҳар қандай бадиий салоҳиятнинг намоён бўлиши, ижодкорнинг том маънодаги санъаткор бўлиб шаклланиши, Оллоҳ таоло ато этган ноёб истеъдодини рўёбга чиқариши, халққа танилиши учун аввало шарт-шароит, имконият зарур.

Шунинг учун ҳам, бугун мана шундай муаззам санъат кошонасини сизларга тақдим этишимизни, элу юрт олқиши, меҳрини қозонган сиз, азиз санъаткорларга бўлган бундай эътиборимизни табиий бир ҳол, деб қабул қилишингизни истардим.

Биламан, одатда бундай маросимларда, тантана ўтгач эса, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда эски замондан қолган, бир қолипдаги гаплар такрорланиши мумкин.

Яъни, бу санъат кошонасини Президентнинг, давлатнинг, мамлакатнинг, ҳукуматнинг, Маданият ишлари вазирлигининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, керак бўлса, мана шу Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг, балки яна бир қанча катта-кичик раҳбарларнинг сахийлиги, ғамхўрлиги сифатида таърифланишини кутишимиз мумкин.

Лекин, бу борада мен шуни айтмоқчиманки, бу театр биносини бунёд қилганимиз ўзбек маданиятининг истеъдодли намояндалари бўлмиш сизларнинг олдингизда, қолаверса, сизнинг тимсолингизда бугунги ёруғ кунларга етиб келолмаган буюк санъаткорларимизнинг руҳи олдида биз ўз қарзимизни, ўз бурчимизни адо этганимиз ифодаси, холос.

Муҳтарам санъат арбоблари!

Бугун мана шу нафосат саройида сиз, азизлар билан бир таклиф ҳақида маслаҳат қилмоқчиман: миллий руҳ ва замонавий қиёфада қайта тикланган ушбу театримизни бундан буён Ўзбекистон Миллий академик драма театри деб атасак, нима дейсизлар?

Ўйлайманки, бундай юксак ва шарафли ном бу кошонага бамисоли узукка кўз қўйгандек ярашади, санъат намояндаларини янги илҳом ва масъулият билан ижод қилишга, миллий истиқлол ғоялари руҳидаги бадиий баркамол асарлар яратишга, замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образларини юксак даражада талқин этишга руҳлантиради.

Мен миллий театримиз саҳнасида сизлар яратадиган ранг-баранг асарларни миллионлаб санъат ихлосмандлари, бутун халқимиз ҳайрат ва ҳаяжон, завқу шавқ билан томоша қилишини, улар ҳаёт йўлларида дуч келадиган, ҳар бир инсонни ўйлантирадиган мураккаб саволларга театр ибрати орқали жавоб топишини истайман.

Сизлар ўзбек театр санъатимизнинг энг яхши анъаналарини асраб-авайлаб, ривожлантириб, келажак авлодларга етказасиз, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи етук асарларингиз билан халқимиз маданиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Барчангизга тилагим шуки, сизлар саҳнада бетакрор образлар яратиб, халқимиз меҳрига сазовор бўлишдан чарчаманг, бизга эса ажойиб маҳоратингизга қойил қолиб, санъатингизни олқишлаб, сизларга мана шундай ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатиб юриш насиб этаверсин.

Ҳаёт ҳақида, инсон умрининг маъно-мазмуни ҳақида театр ихлосмандлари билан қизғин ва жонли мулоқотингиз давом этадиган, юртимиз, миллатимиз довруғини тараннум қиладиган бу муаззам ижод маскани аввало сизларга, барча санъаткорларимизга буюрсин, эзгулик ва гўзалликни юксак қадрлайдиган томошабинларга, бутун халқимизга муборак бўлсин.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу маданият қасрини бунёд этган қўли гул қурувчиларимизга, меъмору муҳандисларимизга, бу олижаноб ишда қатнашган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун санъат мухлислари номидан самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Мана шу унутилмас дақиқаларда барчангизни Ватанимиз истиқлолининг 10 йиллик қутлуғ тўйи билан яна бир бор табриклайман.

Сизларга янги-янги ижодий ютуқлар, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат тилайман. Илҳомингиз, истеъдодингиз янада зиёда бўлсин, ҳамиша мухлисларингиз, халқимиз ардоғида бўлинг.

Эътиборингиз учун ташаккур.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Театрнинг саҳнаси аввалгидан анча кенг ва у ерга ўрнатилган техник жиҳозлар дунёдаги энг замонавий театрларникидан қолишмайди. Бу ерда ҳар қандай мураккаб асарни саҳналаштириш, қийин декоратив ускуналарни ўрнатиш мумкин.

Томоша залидаги юмшоқ ва нозик дид билан ишланган ўриндиқлар кишининг ҳавасини келтиради.

Давлатимиз раҳбари мазкур санъат кошонасининг маданият ва маънавиятимизда тутган юксак ўрни ҳақида гапирар экан, миллий руҳ ва замонавий қиёфада қайта тикланган ушбу театрни бундан буён Ўзбекистон Миллий академик драма театри, деб аташ тўғрисида таклиф киритди.

Президентнинг бу таклифини барча қўллаб-қувватлади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти З.Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Тошкентдаги рус драма театрининг бадиий раҳбари В.Шапиро, актриса З.Ашурова, Санъат институти талабаси Х.Аҳмедова, актёр Х.Саъдиев Президент Ислом Каримовга мазкур кошонанинг қурилишига, ва умуман, санъатимиз, маданиятимиз ривожига раҳнамолик қилаётгани учун миннатдорлик изҳор этишди. Улар бу ғамхўрлик ўзбек театр санъатининг янада юксакликка кўтарилиши учун замин бўлишини таъкидладилар.

Шундан сўнг "Миллий театрнинг теран томирлари" деб номланган томоша намойиш этилди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Давлат солиқ қўмитасининг янги биноси билан ҳам танишди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.**
**Муҳаммад АМИН олган суратлар.**

# Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатларни янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан таништирди. Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева, "Фарғонаазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А.Абдуллаевнинг қонун лойиҳаси тўғрисидаги чиқишларидан сўнг парламент "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда тасдиқлади ва уни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари С.Солиев "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўйича маъруза қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида "Бухородонмаҳсулот" ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси раиси Б.Бозоров, "Шаҳрисабзконсерва" ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси Н.Исмоилов, Наманган вилоятидаги "Лола-Узор" кўп тармоқли хусусий фирма директори Х.Мирзааҳмедов иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини тасдиқлади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев депутатларга ўқиб эшиттирди. "Маънавият ва маърифат" республика марказининг Наманган вилоят бўлими раҳбари Ҳ.Саъдуллаев, "Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси М.Зокиров, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Тошкент архитектура ва қурилиш институти ректори Б.Асқаров, А.Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри етакчи яккахон хонандаси М.Раззоқова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.Йўлдошевнинг чиқишларидан сўнг депутатлар қонун лойиҳасини тасдиқлади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаеванинг маърузасидан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенциясини, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқтаси тўғрисидаги битимни, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай Конвенциясини ратификация қилди, белгилар рўйхатга олинадиган халқаро товарлар ва хизматлар таснифи тўғрисидаги Ницца шартномаси, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Патент тартиботи мақсадлари учун микроорганизмларни тўплашни халқаро эътироф этиш тўғрисидаги Будапешт шартномаси, асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонини тасдиқлади.

Депутатлар сессия котибияти бошлиғи А.Абдураҳимовнинг парламент номига келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Х.Шеримбетовни Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси этиб тайинлади, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг айрим аъзоларини бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод қилди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритди.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритди, Олий Мажлиснинг айрим қўмиталари ва комиссиялари таркибига янги депутатлар сайлади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси этиб И.Собиров тасдиқланди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

# «Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз»

(Давоми. Боши 1-бетда).

лайди Юртбошимиз маърузаларидан бирида. — Булар шундай принципиал вазифаларки, биз уларнинг атрофида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодини шакллантириш учун барча сиёсий ва ижтимоий кучларни бирлаштиришга эришмоғимиз лозим..." Бошқача айтганда, "ҳар бир киши мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар учун ўз масъулиятини янада чуқурроқ ҳис этиши лозим. Ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятимизда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор".

Ислом Каримов мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш соҳасидаги долзарб вазифаларга тўхталар экан, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш фаровонлик пойдевори эканлигини алоҳида уқтириб ўтади. Президент ўз асарларида яна бир ўта муҳим масалага атрофлича тўхталади. У ҳам бўлса, жамиятимизда тадбиркорликка бўлган муносабатни ўзгартириш масаласидир. "Биз жамиятимизда тадбиркорлик руҳини қарор топтиришимиз ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз керак", деб алоҳида таъкидлайди. Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлиши кераклигини қайта-қайта уқтирар экан, айни пайтда инсоннинг маънавий камолоти, айниқса, раҳбар шахснинг маънавий етуклиги ҳам ғоят муҳим масала эканлигига эътиборни қаратади.

Китобнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда миллий ғоя ва миллий мафкуранинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият тараққиётидаги ўрни кенг очиб берилган.

"Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш — миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир", деб таъкидлайди давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов ўз китобида Марказий Осиё минтақаси, қолаверса, бутун инсоният тақдирига дахлдор ўта долзарб масалалар тўғрисида ҳам бот-бот тўхталиб ўтган. Хусусан, тинчлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидай асраш учун доимо ҳамкорликда иш тутишга, халқаро терроризм ва диний ақидапарастликка қарши биргаликда курашишга, шунингдек, глобал экологик муаммоларни ҳам узвий ҳамкорликда, елкама-елка туриб ҳал қилишга даъват этади.

"Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди,— дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. — Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда".

Юртбошимизнинг китобида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ноёб иншоотларнинг барпо этилиши билан боғлиқ тарихий воқеаларнинг аҳамияти хусусидаги қимматли фикрлари ҳам ўз ифодасини топган.

"Ҳар биримиз учун қадрли бўлган истиқлол айёми арафасида, — дея таъкидлайди Йўлбошчимиз, — янги-янги бино ва иншоотлар, равон йўллар, боғ ва хиёбонларнинг ишга туширилиши қутлуғ анъанага айланиб бормоқда.

Бугун бепоён юртимизнинг қайси шаҳар, қайси қишлоғига қадам қўймайлик, кўплаб ана шундай мустақиллик иншоотлари бунёд этилганига гувоҳ бўламиз. Улар давлатимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлиги ва маънавиятини янада оширишга хизмат қилиши муқаррар.

Ишончим комилки, она Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бундай улуғвор ишларнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, таъбир жоиз бўлса, келажагимиз пойдеворини яратишга ўз ҳиссасини қўшиш ҳар биримиз учун улкан шараф, улкан бахтдир".

**(ЎзА).**

# «XXI АСР: ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ»



Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Давлат матбуот қўмитасининг "Ўзбекистон" нашриёти "XXI аср: Истиқболимиз тимсоллари" китобини ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарди. Бу китоб она Ватан байроғини дунё узра баланд кўтараётган, хизматлари жаҳон миқёсида эътироф этилган ёшларимиз, Президент стипендияси совриндорлари, Зулфия ва "Ниҳол" мукофотларига сазовор бўлган энг пешқадам йигит-қизлар ҳақида ўзига хос тўпламдир. Мустақиллик даврида камолга етган бу ёшларнинг аксарияти ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган бўлса-да, ўз соҳаларида илк бор катта довонларни забт этгани учун номлари янги тарихимиз саҳифаларида муҳрланиб қолса, ажаб эмас.

Президентимиз Ислом Каримов ана шундай шижоатли ёшлар ҳақида: "Булар — мустақиллик фарзандлари, менинг набираларимдир. Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун азим дарахтларга айланди.

Улар кўзни қувонтириб, мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи ҳали олдинда. Она Ўзбекистонимиз каби фарзандларимизнинг ҳам келажаги буюкдир", деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, шундай.

Китобнинг муқаддимаси "XXI аср — янги авлод асри", деб номланган. Унда мустақиллик йилларида бу борада босиб ўтилган тарихий йўлимизга бир назар ташланган, соғлом, баркамол, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун кенг кўламли, улуғвор ишлар амалга оширилгани қайд этилган. Ўтган ўн йил мобайнида олий ўқув юртлари ҳузурида кўплаб гимназия, лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Миллий рассомчилик ва дизайн институти, Ислом университети, Консерваториялик институти ва яна ўнлаб замонавий илм масканлари ҳамда академиялар очилди.

Китобда санъат, илм-фан ва спорт оламида ўз салоҳиятини, юксак ижрочилик маҳоратини, метин иродаси ва ақл-заковатини намойиш этиб, халқимиз, Ватанимиз довруғини дунёга таратаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев, Улуғбек Полвонов, Руслан Чагаев, Ўткир Розиқов, Ёрқинбой Қуттибоев, Акобир Қурбонов, Шорасул Шоаҳмедов, Алексей Султонов, Дилфуза Матбобоева, Ойбек Исломов, Нодир Ҳошимов каби йигит-қизларимиз қўлга киритган шарафли ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шу маънода Йўлбошчимиз уларга истиқболимиз тимсоллари, дея катта ишонч билдиргани бежиз эмас.

Китоб "Халқимизнинг қадри баланд ўғил-қизлари", "Алломалар юртининг муносиб ворислари", "Зулфия қизлари", "Ниҳол" чечаклари", "Санъатимиз умид ғунчалари", "Миллат ғурури, мамлакат ифтихори" сингари боблардан иборат. Уларда юртимизнинг истеъдодли ва билимдон, ватанпарвар, элим, юртим деб ёниб яшашга интилаётган фидойи йигит-қизлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Тўплам рангли суратлар билан безатилган. Уни тайёрлашда кўплаб истеъдодли ижодкорлар ва фотожурналистлар иштирок этган.

**(ЎзА).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда ўзбек халқига қизғин қутлов ва самимий тилаклар йўллайман.

Сиз, Жаноби Олийларининг доно раҳбарлигингиз остида меҳнатсевар ва мард ўзбек халқи мустақилликни қўлга киритган кундан буён 10 йил мобайнида тарихий аҳамиятга молик ажойиб зафарларга эришди. Ҳозир Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодиёт ривожланиб, халқнинг турмуш даражаси муттасил ўсиб бормоқда. Бу эса ўзбек халқига бахт келтирибгина қолмай, балки минтақада тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланишига ҳам қулай шароит яратади. Мамлакатингиз миллий тикланиш йўлида яна ҳам кўпроқ ютуқларга эришувини чин дилдан тилаймиз.

Мамлакатингизнинг равнақ топиши ва қудрати ўсишини, халқи эса бахтиёр бўлишини тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва барча эзгуликларни тилайман.

**ЦЗЯН ЦЗЭМИН,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси.**

* * *

## ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИ ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Дунёнинг энг гўзал масканларидан бўлмиш Будапешт шаҳрида ўзбек кураши бўйича III жаҳон чемпионатининг юксак даражада ўтганлиги билан Сизни ва халқингизни самимий муборакбод этамиз.

Биз учинчи минг йиллик арафасида Сизнинг раҳнамолигингизда ўзбек халқининг асрий орзулари ушалиб, Мустақилликка эришганидан хабардормиз. Айнан Истиқлол туфайли миллий спорт тури бўлган ўзбек кураши бугун жаҳон спортига қўшилиб, дунё миқёсида дадил қадам ташламоқда. Тарихдан маълумки, ўз миллий ўйинини халқаро спорт даражасига кўтариш шарафига дунёда саноқли миллатларгина муяссар бўлган.

Биз шуни алоҳида эътироф этамизки, ўзида олижаноблик, ҳалоллик, мардлик каби хусусиятларни мужассам этган кураш билан бугунги кунда ер шарининг беш қитъасида юз минглаб йигит-қизлар мунтазам шуғулланмоқда.

Спорт тарихида ҳеч бир миллий спорт тури курашчалик тез ривожланмагани ҳам бор ҳақиқатдир. Биз курашнинг оламшумул ривожига қўшаётган Сизнинг ҳиссангизни ҳис этиб турибмиз. Бу эса ўз навбатида жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган буюк шахсларни етказиб берган халқингиз билан янада яқинроқ танишишимизга имкон бермоқда.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Сизни ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини энг яқин дўстларингиз сифатида муборак байрам — Мустақиллигингизнинг 10 йиллик тўйи билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Сизга мустаҳкам соғлик, халқингизга фаровонлик тилаймиз. Мамлакатингиз гуллаб-яшнайверсин, Мустақиллигингиз абадий бўлсин.

**Кураш бўйича III жаҳон чемпионати қатнашчилари номидан:**

**АНДРЕ ФРЕНЧ — Африка қитъаси Кураш федерацияси Президенти (Жанубий Африка Республикаси)**
**ЭДГАР КЛАУРЕ — Америка Кураш конфедерацияси Президенти (Боливия)**
**ИБРОҲИМ ОЗТЕК — Европа қитъаси Кураш федерацияси Президенти (Туркия)**
**ЖАГДИШ ТАТЛЕР — Осиё қитъаси Кураш федерацияси Президенти (Ҳиндистон)**
**ЛАЦЛО ТОТ — Кураш бўйича III жаҳон чемпионатини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси (Венгрия).**

*2001 йил 26 август, Венгрия, Будапешт.*

**Бугун — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни**

> **Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлгани, қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**



# Шаҳид кетган шаҳидларим

*Туронзамин деган юртнинг норларидир,*
*Лочинлари, бургутлари, сорларидир,*
*Тупроғини кўриб ётар орларидир —*
*Эрк йўлида шаҳид кетган шаҳидларим.*

*Томирида Широқларнинг қони оққан,*
*Юрт қисмати — тақдирига сергак боққан,*
*Чақмоқ бўлиб юракларда олов ёққан —*
*Эрк йўлида шаҳид кетган шаҳидларим.*

*Қадамидан ўт чақнаган, шижоатли,*
*Курашларда енгилмаган, матонатли,*
*Улар эди ўз юртига садоқатли,*
*Эрк йўлида шаҳид кетган шаҳидларим.*

*Шулар борки, осмонимиз тиниқ-тиниқ,*
*Ёғийларнинг қўлидаги яроғ синиқ,*
*Ўзбек қадди эгилмагай, ҳамиша тик,*
*Эрк йўлида шаҳид кетган шаҳидларим.*

*Ўксиб, яқин-йироқларда ётганларим,*
*Ҳилол бўлиб тупроқларга ботганларим,*
*Кутлуғ бўлсин, бу кун, элга қайтганлари,*
*Эрк йўлида шаҳид кетган шаҳидларим.*

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.**

# Қуёшни тўсиб бўлмайди

Шўролар деб аталмиш давлат тузуми инсоният тарихида меҳнаткаш оммага мисли кўрилмаган жабр-зулм кўрсатди. Коллективлаштириш баҳонаси билан деҳқонларнинг шахсий ери, чорва моллари тортиб олинди. Меҳнаткаш омма ҳуқуқлари маҳаллий ва юқори давлат органлари томонидан поймол қилиниб, кишиларнинг арз-шикоятлари эътиборсиз қолди. Сабр-тоқати тўлиб-тошган маҳаллий халқ 1929 йилнинг куз фаслида исён кўтарди.

— Октябр инқилобидан кейинги биринчи иттифоқ марказий ҳокимиятни қаттиқ ғазабга келтирди. Халқ «доҳий»си Сталин Будённийни шошилинч равишда Пском қишлоғига жўнатади. У ҳар бир қишлоқни бирма-бир «текшириб» чиқади. Қўзғолонда қатнашмаган бегуноҳ кишилар ҳам ҳибсга олинади. Будённийнинг шахсий буйруғи билан сўроқ қилинмасдан, суд ҳукмисиз ўттиз киши отиб ташланди, — дея хотирлайди 81 ёшли Зуҳриддин Жамолов. — Балоғат ёшига етган деярли барча йигитлар «халқ душмани» тамғаси остида қамоққа олинди.

Бир ой давомида деярли барча қишлоқлар алғов-далғов қилинди. Мадолимбой Раззоқов ва унинг укаси Ҳакимбой Мулладамин, Фаёз чавандоз ва фарзандлари Мирзоолим, Розиқсўфи, Холмат, Рўзимат, Бўронбойлар узоқ сургунларга юборилди. Ўша даврнинг ҳалол, пок меҳнаткашларидан Жайчабекнинг молу дунёси мусодара қилиниб, ўзи халқ оммаси олдида бегуноҳ отиб ташланди.

Ўша кезларда участка милиционери бўлган Умртой Мамбетов ҳар бир кишини «босмачи» деб қаматаверди. Нанай қишлоқ кенгашининг раиси Шермат Рўзматов ўзининг гумашталари орқали деҳқонларнинг мол-мулкини талай бошлади. У қамоққа олинган Сайфиддин оқсоқолнинг томидаги тунукаларни кўчириб олиб, ўз уйининг томига ўрнатди. Колхоз раиси Нормат Аълохонов эса ҳаётини аранг ўтказаётган деҳқоннинг яккаю ягона сигирини тортиб олиб, ўзи фойдалана бошлади.

1929 йилги қўзғолондан кейин гуллаб-яшнаб турган Пском, Тепар, Кунч, Кундуптур, Испай, Қорабулоқ, Чақмоқсанг, Ақсарсой, Наволисой каби аҳоли яшайдиган жойлар кимсасиз саҳрога айланиб қолди.

Мустақиллик халқимизнинг асрлар давомида орзу қилиб келган бахти, саодати, мангу шодлиги бўлди. Юқорида номи келтирилган қишлоқлар бугун чирой очиб бормоқда. Бу ёруғ кунларга етолмаганлар номи оқланиб, руҳлари шод этилаётир. Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик — қуёш. Биз унга қучоқ очиб яшаймиз.

**Рўзимат ДАМИНОВ.**

***Қатағон қурбонлари... Бу ибора кўп ҳолларда 30 - йилларнинг иккинчи ярмида қатағон қилинган зотларга нисбатан қўлланилади. Бу фожиа бутун халқимиз ҳаётини четлаб ўтмаган. Бунинг замирида тарихий ҳақиқат мавжуд.***

***Қатағон қурбонларининг қанчадан-қанча орзулари ушалмай қолган. Бу улуғ зотларнинг фожиали қисмати, сабот ва матонати, унутилмас хотираси халқимиз қалбида доимо сақланади.***

# ХОТИРА — мусаввирлар ижодида

Куни кеча республика Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида очилган кўргазма шаҳидлар хотирасига бағишланди. Мўйқалам соҳиблари қатағон қурбони бўлган ўнлаб зиёлилар сиймосини яратиб, халқимизга тақдим этдилар. Экспозициядан фалсафий ва рамзий суратлар, портретлар ҳамда графика услубидаги туркум асарлар ўрин олган. Жумладан, Ориф Муиновнинг «Бухоро хотиралари», «Абдулла Қодирий хотирасига бағишлайман», «Бухоро — менинг қайғум», Алишер Мирзаевнинг «Абдулла Қодирий», Б. Маҳкамовнинг «Дарахт ўлими», М. Нуриддиновнинг «Ой тутилиши кечаси» каби асарлари кишини беихтиёр ўйга чорлайди. Ҳар бир асар ўша давр қатағон қилинганлар учун нақадар оғир бўлганлигини эслатади. Томошабин уларга боқиб, гўё ич-ичидан эзилиб, бугунги озод замон учун шукроналар келтираётгани сезилади.

«Шаҳидлар хотираси — мусаввирлар ижодида» деб номланган бу кўргазманинг очилиш маросимида сўз олган Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов ва Ҳалима Худойбердиева улар ёдини армон билан тилга олиб, ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НОҲАҚ ИЗТИРОБГА БОТМАСИН ҲЕЧ КИМ

## Олий Мажлис сессияси залидаги ўйлар

Парламентимизнинг байрам арафасидаги сессияси ниҳоятда ишчанлик руҳида ўтди. Кун тартибига қўйилган бир қанча қонунлар ичида бевосита суд-ҳуқуқ тизимидаги ишларимизни тартибга келтиришга бағишланган қонунлар алоҳида қизиқиш билан муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу борадаги ислоҳотларнинг қанчалик зарурлигини ҳаётий далиллар орқали асослаб берди.

Хўш, мустақилликнинг ўн йили мобайнида парламентимиз ҳуқуқ-тартибот жабҳасида қонунлар қабул қилганди-ку. Уларга амал қилиб яшайверсак бўлмайдими? Юртбошимиз маърузасини тинглаганда бундай саволларга ўрин қолмади. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, олға интилаётган жамият ўз руҳига монанд қонунларни талаб қилади.

Тўғри, биз бозор муносабатларига ўтиш асносида жуда кўп соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошираяпмиз. Лекин суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш йўлидан бормасак, яъни адолатни тўлиқ таъминламасак, қолган саъй-ҳаракатларимиз кўзланган самарани бермайди. Чунки бу соҳадаги ишнинг йўлга қўйилиши одамлар кайфиятига, аҳвол-руҳиятига ё ижобий, ё салбий таъсир этади.

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳот ўтказишда умум эътироф этилган демократик тамойиллар муҳим дастак бўлса, яна бир таянч доно халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидир. Буларнинг ҳаммаси ўзига адолат тарозусини қурол қилиб олмоғи даркор. Негаки, ишончга путур етган жойда ҳеч қачон мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу кунларда ҳар қадамда, ҳар лаҳзада мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ҳақидаги даъват ва шиорларга, уни мадҳ этувчи сўзларга дуч келишимиз табиий. Лекин 10 йиллик санани нишонлар эканмиз, фақат тантаналарга берилмаслигимиз керак. Бу байрам айни пайтда Ўзбекистон давлатининг, керак бўлса, ҳар бир фуқаронинг ўн йиллик ҳисоботи ҳамдир. Хўш, шунча йилдан сўнг босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, қайси жойларда камчиликларга йўл қўяяпмиз? Бугунги эришган даражамиз жаҳоний мезонларга муқояса қилинганда, нималарда оқсаяпмиз?

Шу саволларни олдимизга қўйсак, мақсадимиз янада равшанлашади. Зотан, эртанги кунга ишонч туйғуси инсоннинг қалбига қувонч, вужудига ғайрат, руҳига шижоат бахш этади. Тўғри, катта мақсад йўлида қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин қамровни кенгроқ олиб фикрласак, ҳеч қачон фаровон ҳаётга, ёруғ турмушга осонликча келинмаган. Дунёнинг мана- ман деган давлатлари тарихи, босиб ўтган йўли буни тасдиқлайди.

Президент ўз маърузасида ноҳақ жазоланган, оқибатда адолатнинг поймол бўлганидан изтироб чеккан тақдирлар ҳаёти ҳақида таъсирли лавҳаларни гапириб берди. Қонунсизлик шу даражага бориб етганки, ҳали айбдор эканлиги суд томонидан аниқланиши у ёқда турсин, тергов бўлмасдан инсонни қамоққа тиқишарди. Тергов муддати эса исталганча чўзилиши, бу даврда бечора маҳбус бола-чақасидан, иссиқ хонадонидан йироқда азобга ташланиши оддий ҳол эди. Бу ўртада билиб-билмай қамалган одамнинг шаъни ерга урилганини айтмайсизми?! Пировардида суриштириб кўрилганида бирор айбнома тасдиқланмайди, лекин мундир шаънини ўйлаган, ўз сопини кесмаган пичоқ каби судлар ҳибсдаги одамнинг бўйнига бирор айбни «ўйиб-сўйиб» осиб қўярди. Энди айтингчи, тоталитар даврга хос бўлган бундай ярамас услуб қўйқалари бугун мутлақо йўқолган, деб ким кафолат бера олади? Таъбир жоиз бўлса, ана шу соҳадаги камчиликлар, аниқроғи, адолатсизликлар ушбу сессияда қабул қилинган қонунлар орқали бартараф этилиши керак.

Бундай эзгу ниятнинг ҳикмати бекиёсдир. Агар адолатсизлик қонун номи билан қилинса, одамларда мавжуд тузумга, ҳокимиятга ишончу ихлос йўқолди, деяверинг. Зотан, мустақиллик берган неъматлар ҳақида баралла сўз айтяпмиз, Ватан, юрт туйғуси, миллий ифтихор ҳақида кўнгилларни забт этувчи нутқлар, шеърлар ижод қиламиз. Лекин бошига адолатсизлик тушган одамнинг қулоғига шу гаплар кирадими?!

Янги қонунларимиз кўзлаган асосий мақсад ҳар бир фуқаро онгида ҳуқуқий билимнинг чуқур жой олишидир. Қачон одамларимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан безилламаса, аксинча ҳуқуқларининг ҳимоячиси деб билса, ҳақиқий ҳуқуқий давлат даражасига эришамиз. Шу маънода ҳам жамиятимиз ривожининг такомил босқичида қонунларимизни қайта кўриб боришимиз табиийдир. Бу борада Конституциямиз кафили — Президентнинг ташаббускор бўлиши ҳар жиҳатдан асосли ва мантиқлидир.

Сессия залидаги кайфият, депутатларнинг гал-ма-гал сўз олиши адолат устуворлиги йўлидаги курашнинг қўллаб-қувватланишини яққол кўрсатди. Парламент ўз ақидасига содиқ қолиб, аввало халқ манфаатини кўзловчи қонунларни якдиллик билан маъқуллади. Бу билан жамиятда адолат тамойилларини ҳаётга сингдириш йўлида яна бир муҳим қадам қўйилди.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

# «Пластекс» валютани иқтисод қилади

Зангиота туманининг Эшонгузар қўрғонида “Пластекс” хусусий корхонаси иш бошлади.

Мазкур корхона раҳбари, тадбиркор Р.Содиқов ўз маблағи ҳисобига сув қадоқлашда ишлатиладиган идиш капсулаларини тайёрлайдиган Италия технологиясини сотиб олди. Шу пайтгача бу маҳсулот четдан валюта ҳисобига келтирилар эди. Эндиликда сув қадоқловчи корхоналар капсулаларни ўзбек сўмига сотиб оладиган бўлди. Корхона йилига тўққиз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Хомашё ҳозирча Жанубий Кореядан келтирилмоқда,— дейди корхона раҳбари Р.Содиқов. — Келажакда уни ўзимизда тайёрлаш имкониятларини излаяпмиз. Асосий эътиборни экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганмиз.

“Пластекс” капсулаларини сотиб олган корхона унга ўзи хоҳлаган шакл ва ҳажмни бериши мумкин. Хусусий корхона иш бошлагандан кейин 35 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Мазкур корхонанинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д.Ғуломова ҳамда республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров иштирок этди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ВАТАН, КУНДА ЧИРОЙ ОЧ!

**Мамлакат, халқ бош миллий байрамимиз арафасидаги сўнгги ҳафталар мобайнида қизғин, шижоатли, бунёдкорлик руҳи билан нафас олиб яшади. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги олдидан фойдаланишга топширилган янги корхоналар, эшигини очган янги мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, ёдгорлик мажмуалари бу тарихий санага фақат туҳфаларгина бўлиб қолмай, балки улар бундан 10 йил олдин танлаган йўлимизнинг тўғри эканлигини, истиқлол берган имкониятлар рўёбга чиқаётганлигини, халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаёти ҳамиша давлатимиз раҳбарияти эътиборида эканлигини яна бир карра ёрқин намойиш этди.**

**Юртбошимиз Ислом Каримов байрам арафасида пойтахтимизда қад кўтарган янги иншоотларни бориб кўраркан, қисқа фурсат ичида фақат Тошкент шаҳрининг қиёфасигина ўзгариб қолмай, балки бутун мамлакат худди шундай бунёдкорлик фаолияти билан яшаётганлигини таъкидлади.**

Чиндан ҳам, республикамизда фақат сўнгги кунларнинг ўзида мана шу улуғ байрам шарофати билан 139 та маҳобатли иншоотлар бирин-кетин фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар орасида ўнлаб қўшма корхоналар борки, улар мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият изчил ва пухта йўлга қўйилганлигидан, бу ерда ҳар жиҳатдан қулай инвестиция муҳити мавжудлигидан яққол нишонадир.

Фарғона шаҳрида Жанубий Корея ва Япония билан ҳамкорликда барпо этилиб, ишга туширилган «Кобул-Фарғона компани» қўшма корхонасининг биринчи навбатини олайлик. Фарғона тўқимачилик комбинати негизида вужудга келган бу улкан замонавий корхона 25 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 21 минг 600 тонна калава, 12,3 миллион погон метр бўз ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 2300 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланади.

Президент Ислом Каримов ушбу қўшма корхонанинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида бундай корхоналар хорижий давлатлар ва компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг муҳим омили бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Хорижлик сармоядорларнинг ўзлари ҳам Ўзбекистоннинг улкан салоҳиятини эътироф этмоқдалар. Бўй кўрсатаётган янги ва янги қўшма корхоналар бунинг энг ишончли далилидир. Юбилей иншоотлари орасида Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги ўсимлик ёғини қадоқловчи Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, Бухородаги пиво ва шарбат ичимликлари ишлаб чиқарувчи ўзбек-олмон «Зиёбахш-Уни-Трейдинг» қўшма корхонаси, яна шу вилоятда ишга туширилган мармар тахталар тайёрловчи «Бухоро-Америка» қўшма корхонаси ва Россия билан ҳамкорликда барпо этилган «Ромсиб» қўшма корхоналари ҳам бор. Жиззах вилоятида эса мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи «Ғаллаорол-Балтимор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ва полиэтилен қувур ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Лосс-Пласт» ўзбек-олмон қўшма корхоналари фойдаланишга топширилиш арафасида. Улар қаторида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида байрам арафасида ўз фаолиятини бошлаган «Чиноз-тўқимачи ЛТД» корхонасини эслаш бурчимиздир. Бу қўшма корхона Япониянинг «Мицубиси» компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилди.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик бораётган кунларда Термизда темир йўл вокзали очилди ва Намангандаги темир йўл вокзали тубдан қайта таъмирланди. «Учқудуқ-Мискин-Султон-Увайстоғ» йўналиши бўйича темир йўл иншоотининг очилиши ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари эса энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан яна бир салмоқли туҳфага сазовор бўлдилар: Тошкент метрополитенининг учинчи қисми — «Ойбек» бекатидан хушҳаво Юнусобод мавзеси томон янги метро йўналиши очилди. Метросозлар меҳнати давлатимиз томонидан юксак тақдирланди. Байрам арафасида Президентимиз Фармонига биноан бу иншоот қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрли мукофотлари билан тақдирланди.

Юбилей иншоотларининг ўз муддатида фойдаланишга топширилишида, шак-шубҳасиз, лойиҳачилар ва муҳандислар, қурувчилар ва монтажчилар, пудрат ташкилотлари ходимларининг алоҳида ўрни бор. Айнан худди шу инсонларнинг фидойилиги сабабли мамлакатимиздаги минглаб болакайлар ва қизалоқлар ўқишни муҳташам янги мактаблар, лицейлар ва коллежларда бошлашга муваффақ бўлдилар. Улуғ байрам олдидан деярли ҳар бир вилоятда бундай янги таълим муассасаларининг очилиш маросими ўтказилди. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида республикамизда 60 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 29 та умумий таълим мактаблари ишга туширилди.

Ўсиб келаётган янги авлодларнинг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб вояга етиши мамлакатимиз раҳбариятининг диққат-эътиборида бўлиб келаяпти. Худди шундай ғамхўрлик туфайли ўтган 10 йилда республикада қанчадан-қанча поликлиникалар, тиббиёт марказлари ва мажмуалари дунёга келди, тубдан қайта таъмирланди ва энг замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Байрам арафасида Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида 560 ўринли марказий поликлиника фойдаланишга топширилди. Жиззахда Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш илмий маркази вужудга келди. Термизда 60 ўринли жарроҳлик бўлими, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида «Она ва бола» саломатлик мажмуи, Тошкент педиатрия-тиббиёт институти Перинатал маркази ва шошилинч тиббий ёрдам Марказининг қайта таъмирланган муҳташам бинолари эл хизматига топширилди.

Ватанимизда буюк аждодларга эҳтиром, улардан қолган нодир қадриятларни эъзозлаш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Истиқлолнинг илк йили Президентимиз ташаббуси билан «Навоий йили» деб аталганлигини барчамиз яхши эслаймиз. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида эса бу улуғ шоир ва мутафаккирнинг номи билан аталган шаҳарда Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги тантанасида улкан ёдгорлик мажмуи ҳамда унинг атрофида барпо этилган миллий боғ очилди. Худди ўша лаҳзаларда навоийликлар яна бир туҳфага мушарраф бўлдилар. Бу шаҳарда янги аэропорт биноси ва замонавий жиҳозланган учиш-қўниш йўли фойдаланишга топширилди. Қадимги Кармана шаҳрида эса Қосим Шайх, Работи Малик, Сардоба меъморий ёдгорликлари қайта тикланди, ўнлаб янги бинолар қурилди, боғлар ва гулзорлар барпо этилди.

Ҳа, ўтмишини эъзозлаган эл, юртнинг истиқболи ҳам ишончли ва мунаввардир. Ўзбекистон худди шундай йўлдан бормоқда. Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги тантаналари арафасида Нукусда Бердақ музейи, Бухорода Имом ал-Бухорий уй-музейи, Урганчда эса «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган миллий боғ ва ёдгорлик мажмуаси бунёдга келди. Тошкентда ва Термизда янги боғлар кўкарди, пойтахтимизда Ҳамза номидаги академик драма театри ва Ўзбекистон Республикаси тарихи музейи, Термизда археология музейи ишга туширилди. Бу кошоналар, шак-шубҳасиз, мамлакатимизда маънавий ҳаётнинг янада барқ уриб ривожланишига хизмат қилади.

Кичик бир мақола ҳажмида байрам олдидан мамлакатимизда юз берган бунёдкорлик фаолиятининг улкан кўлами тўғрисида тўла-тўкис ҳикоя қилиб бўлмаслиги аниқ. Бироқ санаб ўтилган бунёдкорликларнинг ўзи ҳам Ўзбекистон ўзининг ёрқин келажаги сари дадил одимлаётганлигини яққол аён этади. Ҳар бир янги корхона, ҳар бир янги муҳташам иншоот, боғлар, кўприклар, йўллар — Ватанимиз ободлигига ободлик бўлиб қўшилади, халқ фаровонлигини оширади, турмушимизни гуллаб-яшнатади. Буни қувонч, мамнуният ва ифтихор билан қайд этмаслик мумкин эмас.

**Татьяна ОРЛОВА.**

**Байрам шукуҳи**

# «АЛ-ЖАҲОН» ИШЛАЙ БОШЛАДИ

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги мен учун қўшалоқ байрам бўлади. Қўшалоқ десам ҳам камлик қилади. Чунки кечагина Юртбошимизнинг Фармони билан менга «Меҳнат шуҳрати» ордени берилди. Бу давлатимизнинг тадбиркорларга, тадбиркорликка эътиборининг намунасидир.

Бу соҳани танлаб адашмаган эканман. Ҳурлик шабадалари эса бошлаши билан мен ҳам қобилиятимни синаб кўргим келди. Укаларим билан биргаликда «Лола узор» кўп тармоқли хусусий корхонасини ташкил этдик. Аввалига савдо-сотиқ, қурилиш билан шуғулланган бўлсак, кейинчалик халқаро майдонга чиқдик. Хитойликлар билан қўшма корхона туздик. Яна бир қувончли ҳодиса шуки, «Ал-Жаҳон», деб номланган янги қўшма корхонамиз бундан бир неча кун олдин тўла қувват билан ишлай бошлади. Чой қадоқлашга ихтисослаштирилган бу корхонамизда 70 дан ортиқ маҳаллий ёшлар меҳнат қилишади. Ҳозиргача 100 тоннадан ортиқ маҳсулот тайёрлаб, савдога чиқардик. Фарғона водийсида ягона бўлган фабрикамиз нафақат ўзимизни, балки мамлакатимизнинг бошқа вилоятларини ҳам сифатли чой билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Вазирлар Маҳкамасининг ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилишидан сўнг валюта билан боғлиқ муаммоларимиз ҳам ечилди. Қарзларимиздан тўла қутулдик. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бизга катта кўмак берди. Бугун-эрта Хитойдан каттагина миқдорда хомашё етиб келади. Хуллас, хурсандчилигимнинг чеки йўқ.

**Ҳабибулло МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Уйчи туманидаги «Лола узор» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, Олий Мажлис депутати.**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЎН ЙИЛИ:

# ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ ЯРАТУВЧИЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

**Собиқ иттифоқ тарқалиб, "шўролар империяси" ва "жаҳон социализм тизими" деб аталмиш тизим таназзулга юз тутганидан кейин дунё сиёсий харитасида эркин ривожланиш йўлини танлаган янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар сирасига жаҳон ҳамжамиятининг ҳақли равишда таркибий қисмига айланган суверен Ўзбекистон ҳам киради.**

**Мустақиллик йиллари давомида мамлакатимиз ўзининг сиёсий, иқтисодий, бой маданий-маънавий салоҳиятига, давлат етакчисининг шахс сифатидаги нуфуз-эътиборига таянган ҳолда халқаро сиёсатнинг мустақил ва обрўли омилига айланди. Бунда Президент И.А.Каримовнинг мустақиллик — "энг аввало, ўз эрки ҳамда миллий манфаатлар йўлида ўз ҳаётини ташкил қилиш, ўз келажагини ўз қўли билан қуриш ҳуқуқи" деган концептуал ғоясини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этди.**

АЛБАТТА, ўн йил — тарих учун жуда қисқа муддат. Бу муддат бошимиздан кечираётган замонни муфассал тавсифлашга имкон бермайди. Бироқ масъулиятли, кескин ўзгаришлар замонида, яъни эски қолиплардан воз кечиш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётини тубдан янгилаш зарурати бутун бўй-басти билан намоён бўлиб турган бир пайтда бу ўн йил мамлакатимиз босиб ўтган йўлга назар ташлаш ҳамда ривожланишнинг истиқболдаги узоқ йилларга мўлжалланган ҳаётий муҳим устуворликлари ва вазифаларини белгилаб олиш учун етарли муддатдир.

1991 йилнинг 31 августи — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги расман эълон қилинган кун мамлакатимиз учун янги тарихий давр — буюк келажакка, гуллаб-яшнаш ва фаровонликка чоғланган эркин, суверен ривожланиш даври бошланган қутлуғ сана бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг ташқи дунёдан асрий тўсиб қўйилганига барҳам берилди. Ўзбекистоннинг қудратли салоҳиятини бутун дунё яққол кўрди ҳамда унинг чексиз имкониятлари ва истиқболига муносиб баҳо берди.

Бугун босиб ўтилган ўн йиллик йўл сарҳисоб қилинар экан, фаол ташқи сиёсат юритиш бошланиши билан халқаро соҳа ўзига хосликлари ва қонуниятлари билан Ўзбекистон учун давлат ва жамият фаолиятининг мустақил соҳаси бўлиб қолгани яққол кўринади. Ўзбекистон албатта халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши, ўз давлатчилигини қуриши, мустақилликни мустаҳкамлаши, мураккаб, зиддиятларга бой бўлган дунёда муносиб ўрнини эгаллаши лозим эди. Ҳаётнинг ўзи мамлакат ва унинг дипломатияси олдига айнан ана шундай вазифаларни қўйган эди.

Ташқи сиёсати ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосидаги очиқ демократик жамият қуриш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш, Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёда барқарорлик, тараққиёт ва гуллаб-яшнаш устувор бўлишига қаратилган Ўзбекистон дарҳол ўзини тинчликсевар давлат сифатида намоён қилди.

Ўша кезлари фақат биргина декларация ва баёнотлар етарли эмаслиги, аниқ ҳаракатлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тубдан ўзгаришларни амалга ошириш лозим экани ҳам тушунарли эди.

Яқин ўтмишда, шўролар замонида тоталитар тизим Ўзбекистонга ярим мустамлака ҳудуд ва хомашё базаси сифатида қарар, ўзбек халқининг миллий қадриятларини очиқдан-очиқ беҳурмат қилар, унинг қадр-қимматини, ноёб тарихи, бой маданияти ва тилини, анъана ва урф-одатларини оёқ ости қилар эди.

Ўша йиллари Ўзбекистон эмин-эркин ва тўғридан-тўғри халқаро саҳнага чиқиш имконига эга эмасди. Унинг дипломат кадрлари, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мутахассислари йўқ эди. 10 нафардан зиёд ходими бўлган республика Ташқи ишлар вазирлиги фақатгина протокол ва вакиллик юмушларини бажарар, асосан, вазирлик ходимлари иши бор-йўғи собиқ иттифоқнинг чет эллик меҳмонларини Ўзбекистоннинг диққатга сазовор тарихий-маданий жойларига олиб бориб таништиришдан иборат эди, холос.

Ҳа, ўзбек дипломатияси тарихининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, ўша кезлари аҳвол шундай эди. Дунёнинг кўҳна ёдгорликларидан бири — инсоният маънавий маданияти ва ёзма ёдгорлиги бўлмиш Авестода дипломатия муносабатларининг илк шакллари юзага келганидан гувоҳлик берувчи маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Маълумки, халқаро жамоатчилик жорий йилнинг кузида Хоразмда ЮНЕСКО шафелигида Авестонинг 2700 йиллик юбилейини нишонлайди.

Амир Темур даврида ўзбек давлатчилигининг гуллаб-яшнаши Хитой, Ҳиндистон, Миср, Осиё ва Европадаги қатор давлатлар билан фаол сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатилгани билан изоҳланади. Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV, Кастилия ва Леон қироли Генрих III, Европанинг бошқа монархлари Амир Темурга йўллаган мактублар бизгача етиб келган. Уларнинг мазмунига кўра, Европа Темур давлати билан жонли ва дўстона мулоқотларни қўллаб-қувватлаган.

Дунё тарихи Темурнинг дипломатия борасидаги хизматларини муносиб баҳолади, ахир айнан унинг заковати ва саъй-ҳаракатлари билан ўрта аср халқаро муносабатларда илк бор амалиётда Европа ва Осиёга умумий геосиёсий кенглик сифатида қарала бошланди.

Буюк аждодимиз айтиб кетган қуйидаги доно сўзлар ҳар бир ўзбекистонлик учун муқаддас ва унутилмасдир: "Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир". Замонавий иборалар билан айтганда, бу барча баҳсли масалалар ва низоли вазиятларни фақат сиёсий мулоқотлар, превентив дипломатия, ўзаро ён беришлар ва оқилона келишувлар йўли билан ҳал этиш зарур, деган гапдир.

Жўшқин дипломатия, савдо ва инсонпарварлик алоқалари Ўзбекистоннинг қадим ерлари муҳим бўғин бўлган Буюк Ипак йўлига ҳам хос эди. Тарих бизнинг муқаддас заминимизга алоҳида тараққиёт мақомини берган, негаки бу замин эллин, кўҳна Эрон, турк, араб ва бошқа тараққиётлар намуналарини ўзида мужассам этган. "Ипак йўли" — маърифатли Мовароуннаҳр дипломатиясининг бир қисми бўлиб, у халқаро мулоқотларнинг асосий қон томири эди ва шу туфайли Шарқ билан Ғарб ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш асосидаги муносабатлар ўрнатилган, тинч, яратувчилик мулоқотлари рўёбга чиққан.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мустақил равишда ўз ташқи сиёсатини юритиш имкониятига эга бўлди. Атиги ўн йил ичида республикада миллий манфаатларга жавоб берадиган, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва обрў-эътиборини таъмин этувчи изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган мустақил ташқи сиёсат тизимини ташкил этиш ва шакллантиришга эришилди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат йўли — энг аввало, давлат ва жамиятдаги ҳаётий ўта муҳим вазифаларни таъминлашга қаратилган йўлдир. Улар мустаҳкам хавфсизлик, изчил ва бақувват иқтисодий тараққиёт учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, конституциявий тизим асосларини мустаҳкамлаш, фуқаролар аҳиллиги, фуқаролар эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ўзбек халқининг ўз мамлакати келажагини ўз қўли билан яратишга бўлган интилиши жаҳон ҳамжамияти, халқаро жамоатчилик томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Республикада олиб борилаётган ўзгариш ва ислоҳотлар йўли Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилаётган нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар, халқаро бизнес ва молия тизимлари томонидан қўллаб-қувватланаётир.

Мамлакатимиз суверенлигини 165 давлат тан олди, бу давлатларнинг 120 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 43 давлат ҳамда 20 йирик халқаро ташкилот миссиялари аккредитация қилинган. Ўз навбатида Ўзбекистон хорижий мамлакатларда ўзининг 39 та ваколатхонасини очди.

1992 йилнинг 2 марти республикамиз ташқи сиёсий ва ижтимоий ҳаёти тарихидаги унутилмас сана бўлиб қолди — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Мамлакатимиз, шунингдек, Хельсинки жараёнига қўшилиб, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди.

Турли мамлакатлар билан энг юқори давлат даражасида ҳамкорлик қилишни мустаҳкамлаш Ўзбекистонга тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида дунё хўжалик алоқалари тизимига кириш, фаол халқаро сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни рўёбга чиқариш имконини берди.

Бугун Ўзбекистон 40 дан зиёд халқаро ташкилотларда иштирок этмоқда — бир пайтнинг ўзида қарийб 500 халқаро сиёсат субъектлари, шунингдек, етакчи халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалар билан, энг аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё ва Тинч океани минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Атом энергияси назорати бўйича халқаро агентлик ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

Халқаро ташкилотлар кўмаги билан Ўзбекистон умумбашарий ва минтақавий даражаларда ўзининг фундаментал манфаатларини ҳимоя қилаётир, ЕХҲТ кенглигида, хусусан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик тизимини шакллантиришда иштирок этмоқда, жаҳон иқтисодиётига йўл олмоқда, ўзининг кўҳна цивилизацияси маданий бойликларини баҳам кўрмоқда, ташқи сиёсий муомалада тажриба орттирмоқда. Бир сўз билан айтганда, барча ўлчов ва шаклларда бебаҳо халқаро тажрибалар билан бойиб бормоқда.

Ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги асосий вазифа мамлакатнинг жаҳонда блоклар қарама-қаршилиги тугаганидан кейин юзага келган халқаро муносабатлар тизимига мослашуви бўлди. Бу жараён объектив равишдаги ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган уч йўналишда кечди. Биринчидан, илгари замонавий халқаро муносабатлар тизимидан хабардор бўлмаган Ўзбекистон ўз ташқи сиёсий тамойилларини, мақсадлари, вазифалари ҳамда устуворликларни ишлаб чиқди ва уларни рўёбга чиқармоқда. Иккинчидан, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг миллий механизми ташкил қилинди. Учинчидан, замонавий дунёдаги мавжуд реалликларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Энг муҳими шундаки, мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатнинг ўз, яъни янги ўзбек давлатчилигининг фундаментал тамойилларига асосланган ўзига хос ташқи сиёсат услубининг оёққа туриши юз кўрсатди. Ташаббусга доимий интилиш, қадр-қимматни юксак даражада ҳис қилиш, амалиётчилик, пухталик, олдиндан кўра билиш, изчиллик бу услубга хосдир.

Конституцияга ҳамда "Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари тўғрисида", "Халқаро шартномалар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонуний ҳужжатларга изчил риоя қилинган ҳолда мамлакатнинг ташқи сиёсий ва халқаро миқёсдаги фаолияти БМТ тамойиллари ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро шартнома ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади.

Ўзининг ташқи алоқаларини ташкил этиш ва ривожлантириш асносида Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиққан қуйидаги энг асосий тамойилларга қатъий амал қилади:

— ўз миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

— тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро наф кўриш, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик;

— мафкуравий қарашларидан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш;

— халқаро ҳуқуқ меъёрларининг давлат ичидаги меъёрларга нисбатан устуворлиги;

— ташқи алоқаларни икки томонлама асосда ва кўп томонлама битимлар асосида ривожлантириш.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, "бугун халқаро ҳаёт, инсоният тараққиёти шундай босқичга кирганки, бунда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технология ҳал қилувчи аҳамият касб этади". Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон дунё учун очиқ, у ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзининг ташқи алоқаларини фаол ва изчил ривожлантиришга интилади, халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни чуқурлаштириш йўлини тутади.

Мамлакатимизнинг ўз ташқи сиёсий фаолиятини миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш, республика теварагида хавфсизлик ҳудуди яратилиши, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик бўлишига имкон берадиган мустаҳкам ўзаро манфаатли давлатлараро муносабатлар қуриш учун йўналтиришга бўлган интилиши ана шундай омиллар билан изоҳланади.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик жўғрофияси бениҳоя кенгдир. У АҚШ дан то Япониягача, Малайзиядан то Буюк Британияга қадар бўлган ҳудудни қамраб олган.

Ва айни пайтда, Ўзбекистон чет мамлакатларда иштирок этиш учунгина бўладиган дипломатия иштирокига интилмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бу ерда ташқи сиёсий фаолият соҳасини торайтириш ёхуд чеклаш ҳақида сўз бораётгани йўқ. Энг муҳими, ташқи сиёсат самарали, аниқ-равшан ифодаланган, бошқача қилиб айтганда, мамлакат ички ривожланишининг эҳтиёж ва вазифаларига мос ва мувофиқ келишга қодир бўлиши жоиздир.

Қайсиким, замонавий дунёда геоиқтисодиёт рўй-рост афзал кўрилаётган экан, Ўзбекистоннинг энг муҳим манфаати миллий иқтисодий шароитлар учун наф келтирадиган дунё хўжалик алоқаларига маҳкам боғланганликни таъминлаш ҳисобланади. Ўзбекистон, жумладан, иқтисодиётига хорижий сармояларнинг катта миқдорда оқиб келишидан, юксак технологияларни ривожлантириш ва ўз илмий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришдан, шунингдек, икки томонлама ва ТРАСЕКА халқаро лойиҳаси, ГУУАМ, ЭКО каби давлатлараро бирлашмалар доирасида транспорт коммуникациясини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Ўнлаб хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиб, умумбашарий ва минтақавий интеграция жараёнларида иштирок этар экан, Ўзбекистон бир муҳим тамойилга қатъий риоя қилади: бир мамлакат билан яқинлашиш бошқаси билан узоқлашиш эвазига бўлмаслиги керак. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси — бу кенг қамровли ва кўп тармоқли жараёндир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги муҳим устуворлик, табиийки, қўшнилар билан, аввало, минтақадаги давлатлар билан ўзаро алоқалар ва ҳар томонлама муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ва мустаҳкамлашдир. Ўзбекистон улар билан қадим-қадимдан қон-қардош, уларни чуқур тарихий, маънавий, маданий яқинлик, диний бирлик, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий, Бобур ва Тохтагул, Мирзо Улуғбек ва Махтумқули, Абай ва Бердах, халқларимизнинг бошқа кўпдан-кўп буюк алломаларига бешик бўлган умумий замин бирлаштириб туради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномага асосланган яхши қўшничилиги ана шундай мангу қадриятдир, уни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш керак.

Ўтган ўн йилликда бўлгани сингари яқин ва узоқ муддатли истиқболда ҳам миллий дипломатия имкониятлари яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга, минтақа давлатлари билан ҳамкорликни давр талабларига мувофиқ тарзда янги мазмун билан бойитишга йўналтирилади.

Дунёнинг кўпгина етакчи мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил ва барқарор ривожланмоқда. Жумладан, Ғарб, Осиё-Тинч океани минтақаси, Жанубий-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа Иттифоқининг саноати ривож топган мамлакатлари билан ҳам. 1996 йили Флоренцияда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг имзоланиши мамлакатимизнинг ЕИ давлатлари билан муносабатларидаги бурилиш нуқтаси бўлди. Мазкур ҳужжатни имзолаш маросимида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг иштирок этгани ҳам мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори юксаклигидан далолат беради. Янги мустақил давлатлар орасида фақат икки мамлакат — Ўзбекистон ва Россия ана шундай шарафга лойиқ топилган.

Бу ҳужжат фаол шериклик учун ҳуқуқий ва ташкилий замин яратишга томонларнинг муштарак интилишларини намойиш этибгина қолмай, балки Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаро эркинлиги, ҳуқуқий давлат сингари умуминсоний тамойилларга содиқ бўлган демократик жамият қуришдаги муваффақиятларини тасдиқлади ҳам.

Республика ташқи сиёсий фаолиятининг бошқа йўналиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш эди ва шундай бўлиб қолади. МДҲ амалий фаолиятида муайян камчиликлар мавжуд бўлса-да, у бугунги кунда 12 иштирокчи давлатнинг барчаси ҳам умумий аҳамиятга молик кўп томонлама ва икки томонлама асосда миллий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ўз нуқтаи назарларини ифода этиши мумкин бўлган тузилмадир.

Миллий-давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг Ўзбекистон руҳан, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналари билан яқин бўлган Осиё-мусулмон цивилизацияси мамлакатлари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш имконига эга бўлди.

Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин ал-Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний сингари ва жаҳон цивилизацияси тарихининг зарҳал саҳифаларида номи қолган бошқа ватандош алломаларимиз ҳаёти ва ибратли фаолиятига бағишланган тадбирларда мазкур мамлакатлар вакиллари — етакчи ижтимоий-сиёсий, илмий ва диний арбобларнинг фаол иштирок этаётгани мусулмон дунёси билан муносабатларимиз йилдан йилга мустаҳкамланиб бораётганини тасдиқлайди.

И.А.Каримов асарларининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида араб тилида нашр этилгани Ўзбекистондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятидаги марказий муаммолардан бири бу ҳам минтақа миқёсида, ҳам глобал даражада хавфсизлик ва тинчликни сақлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳисобланади. "Ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмайди, бироқ давлатлараро хавфсизлик тизимлари доирасида яқиндан ва ўз ифодасини аниқ топган ҳамкорликка интилади. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири ўтган ўн йил мобайнида минтақа хавфсизлиги тизимини шакллантириш бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу Марказий Осиё давлатлари учун қай даражада зарур бўлса, жўғрофий жиҳатдан кенг ҳудудга эга бўлган мазкур минтақага ёндош бўлган мамлакатлар учун ҳам шу даражада муҳимдир. 2001 йил июн ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилгани бунинг аниқ далили бўла олади. Ўзбекистон унинг таъсисчиларидан бири ва тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Кейинги йилларда Марказий Осиё жиноий кайфиятдаги халқаро наркосиндикатлар, турли хил экстремист кучлар ва террорчи ташкилотларнинг нишонига айланиб, аянчли воқеликларга тўқнаш келди. Қандай миллатга мансублигидан, мафкуравий ва диний эътиқодидан қатъи назар, террорчилар, экстремистлар ва наркомафияни бир нарса бирлаштириб туради — бу уларнинг ўз қуроли билан қарши курашаётган мамлакатларда давлат ҳокимиятчилиги ва ижтимоий тизимни издан чиқариш мақсадида энг хунрез ва ифлос усулларни қўллашидир.



Хавфсизликнинг устқурмавий бўлинмаслиги тамойилига асосланиб, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчликни портлатиб юборишга қодир бўлган, умумбашарий барқарорликка путур етказадиган трансмиллий хавф-хатарларни бартараф этиш ва таъсир кучини кесиб ташлаш учун халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ, ЕХҲТ ролини фаоллаштиришни ёқлаб чиқди ва бундан кейин ҳам шундай йўл тутади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ шафеълигида Терроризмга қарши кураш бўйича Халқаро Марказ тузиш, Афғонистонда тинчлик жараёнларини фаоллаштириш, ядро қуролидан холи бўлган Марказий Осиё ҳудудини барпо этиш, Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва бошқа кўпдан кўп ташаббус ва таклифлари биргина мақсадни кўзлаб илгари сурилган: бу мақсад тинчликни, барқарорлик, миллатлараро тотувликни, минтақа давлатлари ва халқлари ўртасида анъанавий дўстлик ҳамда ўзаро бир-бирини тушунишни таъминлашдир.

Қўшни Афғонистонда йигирма йилдан зиёд вақтдан бери давом этаётган қарама-қаршиликни бартараф этиш йўлларини излаш юзасидан Ўзбекистон билдирган таклифлар аҳамиятини қайта баҳолаш мушкул.

Афғон муаммоси нафақат ушбу мамлакат ёки унга қўшни давлатларнинг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг муаммоси бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз чиқишларидан бирида қайд этганидек, "Афғонистон, ифодали қилиб айтганда, нафақат минтақа миқёсида, балки бутун халқаро хавфсизлик тизимидаги "бикфорд ипи"га айланиб қолди". Афғонистондаги вазиятнинг мураккаб ва бошқарувдан четдалиги тўғридан-тўғри халқаро терроризм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ тарқатиш, ўзига энг аянчли шаклларни сингдириб бораётган ислом радикаллашуви жараёнлари билан боғлиқдир.

Жаҳон ҳамжамияти Афғонистондан келувчи хатарлар хавфини бутун бўй-басти билан кўрмаган, уларни тўла тушуниб етмаган кезлариёқ, 1993 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида И.А.Каримов барча жиддий жиҳатларни таъкидлаган ҳолда жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборини мазкур муаммога қаратди. Бош Ассамблеянинг 1995 йили бўлиб ўтган 50-сессиясида Ўзбекистон Президенти қатор амалий таклифларни, жумладан, Афғонистонда бир-бири билан қарама-қарши курашаётган томонларга қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян таъқиқлаш зарурлиги таклифини илгари сурди. 1997 йили И.А.Каримов олти мамлакат, яъни Афғонистон билан бевосита қўшни бўлган мамлакатлар, шунингдек, АҚШ ва Россия давлатлари иштирокида мулоқот гуруҳини тузиш ташаббуси билан чиқди. Бироз муддат ўтгач бу ташаббус ҳаётда ўз тадбиғини топди — "6+2" гуруҳи ташкил этилди. Ўзбекистон дипломатиясининг ёркин хизмати ифодаси ўлароқ, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Афғонистон бўйича қатор махсус резолюциялар қабул қилинди.

Президент И.А.Каримовнинг бундан бир неча йил аввал БМТ минбаридан туриб Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига эмбарго қўйиш зарурлиги тўғрисидаги таклифи дастлаб эҳтиёткорлик билан қабул қилинди. Бироқ "6+2" гуруҳининг фаолияти, Ўзбекистон раҳбариятининг саботлилиги халқаро ҳамжамиятнинг мазкур масалага нисбатан муносабатига қатъий таъсир қилди. 2001 йилнинг июлида БМТ хавфсизлик Кенгаши ўзининг махсус резолюциясида барча мамлакатлардан Афғонистонга қурол, ўқ-дори, аслаҳа ва ҳарбий техника киритилишига бевосита ёки билвосита тўсқинлик кўрсатишни талаб қилди.

Ўзбекистон афғон муаммосини ҳарбий куч ишлатиш йўли билан бартараф этиб бўлмаслиги, жафокаш Афғонистон заминида тинчлик ва хотиржамликка фақат сиёсий воситалар, мулоқотлар йўли билан эришиш мумкинлигидан келиб чиқиб, ўз муносабатини билдирди. Афғон муаммосини ҳал этишнинг аниқ-равшан ягона йўли ушбу мамлакатда тинчлик жараёнини бошлаш учун дунё ҳамжамиятининг кўмак беришидир. Ўзбекистон тинч ва барқарор Афғонистон билан халқаро ҳуқуқнинг қабул қилинган умумий меъёр ва тамойиллари асосида яхши қўшничилик муносабатларини қуришга тайёрдир.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш доирасида Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим йўналиши Марказий Осиёда ва унга қўшни минтақаларда оммавий қирғин қуроллари тарқалмаслиги муаммосини ҳал қилиш ҳисобланади. Ядровий хатар алоҳида хавф солади.

Қурол-яроғдан безган бизнинг минтақамизда ядровий шантаж ва терроризм имконияти эҳтимолдан холи эмас. Мана шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг эътибори кейинги йилларда Марказий Осиёдаги беш давлат ўртасида ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш тўғрисидаги минтақавий Битимни тайёрлаш ва имзолашга қаратилгандир. Президент И.А.Каримов ушбу ташаббусни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурган эди.

Ўзбекистоннинг ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб БМТ Бош Ассамблеяси учта резолюция қабул қилди, 2000 йилги Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома бўйича Обзор конференцияси ҳужжатларида "Марказий Осиё давлатлари Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудуд тўғрисидаги шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишгани ва бу маъқуллангани олдинга ташланган аҳамиятли қадам" эканлиги қайд этилади.

Халқаро терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесдаги барча хавф-хатарларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан теран англаниши минтақавий ва глобал даражада хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича биринчи навбатдаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари доирасини белгилаб, дунёвий тараққиёт кун тартибига сезиларли ўзгартишлар киритди. 1999 йилда ЕХҲТ нинг Истанбул саммитида И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида терроризм билан кураш бўйича Халқаро марказ тузишни таклиф этди. 2001 йил июл ойида МДҲ га аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида Ўзбекистон Президенти наркоагрессияга қарши ҳаракат бўйича режани муҳокамага олиб чиқди.

* * *

Бугун — мустақилликнинг ўнинчи йилида Ўзбекистон босиб ўтган йилларни баҳолаб туриб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, республика ташқи сиёсати ўзининг оёққа туриш босқичини ниҳоясига етказиб, замонавий дунёнинг янги реалликларига муваффақият билан мослашаётир.

Шуниси равшанки, тинчликни сақлашга, минтақавий ва умумбашарий миқёсда хавфсизликни таъминлашга қодир бўлган сиёсат мазмунининг реал масалалари олдида турган йилларда халқаро муносабатларнинг асосий мавзуи бўлади. Ўзбекистон ташқи сиёсати дунёда содир бўлаётган воқеликларга ва бундан кейинги ўзгаришларга нисбатан мувофиқлик ва пухталик билан ёндошишга даъват этилган.

Шу маънода, ташқи сиёсий фаолият соҳасида мутахассислар тайёрлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида дипломатия, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг давлат тизими яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан 1992 йили ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташқи алоқалар соҳаси учун миллий кадрлар тайёрлаш марказига айланган. Бугунги кунда университет бақувват илмий-тадқиқот ва методик заминга, юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибига эгадир.

Президент Фармонига мувофиқ, 1999 йили ўқувчи-ёшларни келгусида университет дарсхоналарида намунали билим олишларига тайёрлаш учун ЖИДУ ҳузурида академик лицей фаолияти йўлга қўйилди.

Мустақиллик йиллари давомида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети 961 нафар мутахассис тайёрлади: уларнинг 150 нафари халқаро муносабатлар, 389 нафари халқаро ҳуқуқ ва 422 нафари ташқи иқтисодий фаолият соҳаси мутахассисларидир.

Шунингдек, университетнинг дунёдаги йирик таълим ва илмий марказлар билан халқаро ҳамкорлигини ҳам қайд этиш жоиз. ЖИДУ Лондондаги Вестминстер университети, Вена ва Лондон дипломатия академиялари, Британия Кенгаши, Оклахома ва Нью-Йорк университетлари, Тулуза сиёсий тадқиқотлар институти, Франциядаги Париж-1 Пантеона Сарбонна университети, Германиянинг Фридрих-Александер ва Бремен университетлари, Италиянинг Болония университети, Нидерландиянинг Маастрихт университети ва Клингендайл халқаро муносабатлар институти, Япониядаги Васеда университети, ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия муносабатлари институти билан ҳамкорлик қилмоқда.

Университетданоширлик фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, илмий ишлар тўпламлари, ўқув-методик адабиётлар, ўзбек, инглиз ва рус тилларида чиқадиган "Халқаро муносабатлар" журнали чоп этилади.

ЖИДУда илмий кадрлар магистратура, аспирантура ва докторантурада тайёрланади. Кейинги йилларда соҳа мутахассислиги доирасида 14 нафар фан номзоди ва доктори тайёрланди, уларга университетнинг махсус кенгаши томонидан илмий даража берилди. Мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида, 2001 йилнинг июл ойида магистрларнинг биринчи гуруҳи ҳаётга йўлланма олди.

Бақувват кадрлар салоҳиятини шакллантириш бўйича Президент концепциясини амалиётга татбиқ этиш учун талаба ва мутахассисларнинг чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларида, хорижий фирма, банк ва компанияларда, энг аввало, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси йўналиши бўйича ўқиши ва малака оширишларини ташкил этиш, бунинг кўламларини кенгайтириш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган катта ишлар олиб борилаётир.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, юқори малакали, ўз ишини пухта биладиган, жамият ва давлат манфаатлари доирасида халқаро миқёсда рисоладагидек иш олиб борадиган кадрлар тайёрлаш учун республикада барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон ўзининг геосиёсий ҳолати, тарихи, ресурс салоҳиятига таянган ҳолда кириб келган XXI асрда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг пешқадам марказларидан бирига айланиши учун барча заминга эгадир.

Шубҳа йўқки, бундай ва бошқа кўпгина вазифаларни рўёбга чиқариш Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар ҳамда уларнинг халқлари билан дўстлигини ва жаҳонда тинчлик йўлида бир-бирини тушуниш, яратувчилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 10 йиллик байрами билан табриклаймиз.

Хонадонингизга тинчлик ва осойишталик, тўкин-сочинлик тилаймиз.

*Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон*

Ўзбекистон халқини улуғ айём - Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи билан қутлаб, шодиёналарни бирга баҳам кўраётганимиздан мамнунлигимизни изҳор этамиз!

aysel
Айсель Иншаат Тааххют ве Тижерет А.Ш.

UNIC

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон халқини Миллий байрам — Мустақилликнинг 10 йиллиги билан табриклайди!

*Ушбу қутлуғ ва қувончли онларда Сизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт, оилангизга тинчлик ва тотувлик, хонадонингизга қут-барака, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда муваффақиятлар тилайди!*

*Мустақиллик байрами хонадонларингизда бахт ва саодатнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолсин!*

Ўзбекистон Республикасининг йирик ва универсал банкларидан бири

BANK
XALQ BANKI

# ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
# ХАЛҚ БАНКИ

*бутун ўзбек халқини ва мижозларини*
*энг улуғ байрам — Мустақиллигимизнинг*
*10 йиллиги шодиёналари билан қутлайди.*

**Халқ банки мижозларга замонавий ва манфаатли банк хизматларини тақдим этишни давом эттириб, ушбу шукуҳли кунларда сизларга соғлиқ, оилавий бахт ва юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишидаги саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар тилайди!**







Ўзбекистон Республикаси халқ банки.

SJG

# «СУВЖИҲОЗГАЗ»

**Ўзбекистон-Хитой**
**қўшма корхонаси жамоаси**

Ўзбекистон халқини энг улуғ,
энг азиз ва энг суюкли байрам –
Ватан Мустақиллигининг 10 йиллик
айёми билан чин юракдан муборакбод этади!

*Эътироф этилаётганидек, мамлакатда ўн йил ичида барча соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ана шу йиллар ичида Ўзбекистонни жаҳон таниди. Хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортмоқда. Биз серқуёш Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик, омонлик барқарор бўлишини истаймиз.*
*Биз сиз билан ҳамиша биргамиз.*



Бизнинг манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
«Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй. Телефонлар: 117-15-56, 117-15-45.

**Яна бир бор Истиқлол байрамингизнинг 10 йиллиги муборак бўлсин, деймиз.**

# «Трастбанк»

акционерлик биржа банки

мустақил Ватанимиз тарихидаги улуғ айём —

## Истиқлолнинг 10 йиллиги билан

барча юртдошларимизни самимий қутлайди!

Муборак заминимиз ободлиги, гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчанлик меҳнатларида зафарлар тилайди!

Барчангизга тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат ва равнақ тилаймиз.



4640

# SIEMENS

## «СИМЕНС»

## ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистон халқларини азиз ва мўътабар байрам —

**Мустақилликнинг 10 йиллиги**

билан самимий қутлайди!

Ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда муҳим ислоҳотларни амалга ошириб, бозор муносабатларига асосланган янги ҳаёт йўлига жўшқинлик билан кириб бормоқда, мамлакат тараққиёт йўлидан демократия сари жадал суръатлар билан одимламоқда. Бугунги кундаги ютуқларимиз мамлакатнинг тўғри йўл танлаганидан гувоҳлик беради.

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган оқилона сиёсати, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, мамлакатдаги тинчлик-осойишталик, одамлар орасидаги меҳру оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик бизни беҳад қувонтиради.

Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисига бахт-саодат, мустаҳкам соғлик, қувонч ва чексиз муваффақиятлар тилаймиз !

4737

# Ҳурматли юртдошлар !

## «RAHNAMO» компанияси

10 йил

## Сизларни Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этади!

*Сизларга узоқ умр, мусаффо осмон, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда кўтаринки руҳ тилайди. Оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт, омад ва баркамоллик доимо ёр бўлсин!*

*«RAHNAMO» компанияси эзгу ниятлар билан келажакда халқ фаровонлиги, Ватан тараққиёти, юртимиз тинчлигини мустаҳкамлаш, гўзал диёримизнинг янада гуллаб-яшнаши учун сермаҳсул ва фидокорона меҳнати билан ўз ҳиссасини қўшишига ишончимиз комил!*



Айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!







*Нашриёт туҳфаси*

# «Истиқлол умидлари»




Ватанимиз Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан мамлакатимизда ҳар жабҳада турли маънавий-маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан буён Давлат матбуот қўмитаси ҳомийлигида ёш ижодкорларнинг асарлари тўйга тўёна сифатида чоп этилаётганлиги ҳам ана шундай хайрли тадбирларнинг биридир.

«Истиқлол умидлари» туркумидаги бу йилги ёшлар алманахидан назм ва наср бўстонида эндигина куртак ёзаётган, ўзларининг илҳомбахш асарлари билан маънавий ҳаётимизга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган қирқ нафарга яқин ёш шоиру ёзувчиларнинг ижодидан намуналар ўрин олган.

Ҳар бир ижодкор ўзга бир олам. Ватан туйғуси ила қалби мунаввар ёш қаламкашлар ҳар бири мавзуни ўзгача талқин қилгани билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, бир бўстон саҳнида очилган беҳисоб гуллардан яхлит кўнгил гулдастаси тузилган. Энг муҳими, теран фикрлашлар, бугунги кун шукронаси ва эртанги ҳаётга ишонч китобхонларда яхши кайфият уйғотади. Келажакда ушбу умид чечаклари улкан ижод чаманларига айланар, деб умид қиламиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг китобга ёзган «Жўшқин ёшлик туҳфалари» номли мўъжазгина «Оқ фотиҳаси»да таъкидлаганидек: «Ёш тафаккур, ёш юрак қанчалик барвақт уйғонса, мукаммаллашса, сергаклашса, ҳар хил ғуборлардан холи бўлса, бу авваламбор ўша авлоднинг бахти ва айни ўринда Ватан, Давлат ва Миллатнинг ҳам бахтидир».

«Истиқлол ёшларига қараб мен қувонаман, — деб давом этади ардоқли шоир. — Мана шу юртнинг, мана шу табаррук тупроқнинг, ўзбек деган қадим миллатнинг шонини дунёга байроқ қила олишга қодир авлод келаётир. Мен бугун Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига қанчалик ишонсам, бир кун келиб мана шу ёшларимиз Ватаннинг, миллатнинг фахрғурурига айланажагига яна бир карра имон келтираман».

«Ёзувчи» нашриёти ижодий жамоаси томонидан дид билан безатилиб, Мустақиллигимизнинг ўн йиллигига бағишлаб чоп этилган бу назм ва наср гулдастаси маънавият ихлосмандларининг кўнгил мулки бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

**М. МИНАҲМЕДОВА.**

---

Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, халқаро дизайнерлар уюшмаси раиси Холида Комиловага умр йўлдоши

**Тўхтасин МЎМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

«УСТО» республика махсус ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Қўқон халқ амалий ва бадиий ишлаб-чиқариш комбинати раҳбари Муҳаммаджон Қосимовга волидаи муҳтарамаси

**САОДАТХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент Молия институти раҳбарияти ва «Умумиқтисодий назария» кафедраси жамоаси доцент

**Гулжаҳон ЁҚУБОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси жамоаси Марказий Кенгаш бош ҳисобчиси Забаржат Аширалиевага акаси

**Қодир ҚУРБОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти раҳбарияти ва жамоаси институт катта илмий ходими, иқтисод фанлари номзоди Раъно Ҳасановага волидаи муҳтарамаси

**ШАҲОДАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси инглиз тили кафедраси катта ўқитувчиси Дилором Убайдуллаевага турмуш ўртоғи

**Ҳабибулла УБАЙДУЛЛАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2715. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 00.05 1 2 3 4 5 6